



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 7 июль, № 137 (9308)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИОРДАНИЯ БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль кuni Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар ва муҳожирлар масалалари бўйича вазири Айман Хусайн Сафадий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Сўхбат аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг самимий саломи ва тилақларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Иордания ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йили Самарқандда олий даражада ўтган сермахсул музокаралар икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очгани мамнуният билан қайд этилди.

Эришилган келишувлар доирасида жорий йилда парламентлараро дўстлик гуруҳлари тузилди, Хукуматлараро қўшма комиссиянинг илк йиғилиши ўтказилиб, Ишбилармонлар кенгаши таъсис қилинди, шунингдек, ҳаво қатновлари йўлга қўйилди.

Келгусида сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## Чўлланишга қарши курашиш ҳамда «Яшил шаҳар» тамойиллари татбиқида истиқболли ёндашувлар

**Президент Шавкат Мирзиёев чўлланишга қарши курашиш ва чўл иқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарларда «яшил шаҳар» тамойилларини жорий этиш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Иқлим ўзгариши, сув танқислиги, ерларнинг таназзулга учраши ва чўлланиш бугун бутун минтақа учун долзарб экологик муаммага айланмоқда. Бу эса қишлоқ ҳўжалиги барқарорлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудининг қарийб 80 фоизи чўл ва яримчўл майдонлардан иборат. Ерларнинг шўрланиши, кум кўчиши, чанг бўронлари ва гармселлар, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларида жиддий хавф туғдирмоқда.

Орол денгизининг қуриши мазкур жараёни янада кучайтирган. Қуриган тубда Оролқум чўли шаклланиб, ҳавога кўтарилаётган туз ва чанг кенг ҳудудларга тарқалмоқда. Шу боис Оролбўйда яшил қопламалар барпо этиш, саксовул ва бошқа чўл ўсимликларини екиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Кейинги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ янги ўрмонзорлар ташкил этилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳам кенг

кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат бўйлаб 1 миллиарддан зиёд дарахт ва бута кўчатлари екилди, кўкаламзорлаштириш даражаси 2020 йилдаги 8 фоиздан 2025 йилда 14,3 фоизга етди.

Тақдимотда 2026 — 2030 йилларда чўлланишга қарши курашиш ишларини янги босқичга олиб чиқиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. Жумладан, 1,27 миллион гектарда ўрмон барпо этиш ва қайта тиклаш, чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларда 16 минг гектар ҳимоя ўрмонзорлари яратиш режалаштирилган.

Сурхондарё вилоятида 10 минг гектар майдонда яшил қопламалар ташкил этиш, Сирдарё вилоятининг чегарадош ҳудудларида 84 километрлик “яшил девор” барпо қилиш, тоғ ва тоғолди ҳудудларида “терраса” усулида дарахт ва буталар екиш, деградацияга учраган ерларда замонавий агротехнологияларни синовдан ўтказиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари чўл ҳудудларига фақат экологик муаммо сифатида эмас, балки янги иқтисодий имкониятлар манбаи сифатида қараш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда “чўл иқтисодиёти” ёндашувини ривожлантириш, қўриқ ва шўрланган ерларда барқарор даромад манбалари

ни яратиш, чўл ўсимликлари уруғчилиги ва кўчатчилигини йўлга қўйиш, галофит ўсимликлар етиштириш, яйловлар махсулдорлигини ошириш, чорвачилик, экологик туризм ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу борада Қорақалпоғистонда чўл ўсимликлари кўчатхоналарини ташкил этиш, Оролнинг қуриган тубида илмий экспедициялар ўтказиш, Боботўғ ҳудудида замонавий усуллар асосида писта плантацияларини ривожлантириш, галофит боғлар тармоғини кенгайтириш таклиф этилди. Шунингдек, қуруқчиликка чидамли ўсимликлар ва уруғлар бўйича минтақавий банк яратиш, халқаро фондлар ва хусусий инвестицияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тақдимотда Марказий Осиё давлатлари билан экологик ҳамкорлиқни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чўлланиш ва ер деградацияси чегара билмайдиган муаммо экани, шу боис унга қарши курашишда ягона минтақавий ёндашув, илмий ҳамкорлик, маълумот алмашиш ва технологиялар трансфери муҳимлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан чўлланишга қарши курашиш ва чўл иқтисодиётини ривожлантириш бўйича

Марказий Осиё минтақавий илмий-тадқиқот маркази фаолиятини кенгайтириш, “Яшил қалқон” минтақавий дастури доирасида амалий лойиҳаларни кўпайтириш, 2040 йилгача чўлланишга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббуслари илгари сурилди.

Самарқанд шаҳрининг тарихий-маданий мероси, Буюк Ипак йўлидаги ўрни, халқаро туризм маркази сифатидаги салоҳияти, стратегик географик жойлашуви ҳамда мавжуд сув ва транспорт инфраструктурасининг инноватга олган ҳолда уни Марказий Осиёда экологик барқарор, иқлимга мослашган ва замонавий “яшил шаҳар” намунасига айлантириш назарда тутилмоқда.

Шунга мувофиқ, тақдимотда шаҳарлар экологик барқарорлигини таъминлаш бўйича “Green Samarkand” модели кўриб чиқилди. Мазкур модель доирасида 2030 йилга қадар Самарқанд шаҳрида аниқ экологик кўрсаткичларга эришиш белгиланган. Жумладан, атмосферага чиқарилиши мумкин бўлган 51,2 минг тонна зарарли ташламаларнинг олдини олиш, саноат ва энергетика объектларида чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатиш орқали “PM2.5” ва “PM10” зарраларини 50 фоизга камайтириш, қурилиш

объектларидан чиқадиغان чанг миқдорини 80 фоизга, транспорт воситаларидан чиқадиغان ифлослантирувчи моддалар ҳажминини 50 фоизга қисқартириш, чикинди полигонлари ҳажминини 2 баробар камайтириш ҳамда аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудлар улушини ўртача 30 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга ошириш учун Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси иштирокида “Яшил Самарқанд” лойиҳа офиси ташкил этилади. Ушбу офис шаҳарсозлик, экология, транспорт, қурилиш, туризм, саноат ва коммунал хизматлар соҳаларида белгиланган тадбирларни ягона тизимда мувофиқлаштиради.

Самарқанд шаҳрида махсус экологик-шаҳарсозлик режими жорий этилиб, янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектлар учун “яшил қурилиш” талаблари мажбурий этиб белгиланади. Бунда энергия ва сув тежамкор технологиялардан фойдаланиш, чикиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимларини жорий этиш, ресурс самарадорлигини ошириш ҳамда экологик талабларга жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга қабул қилмаслик амалиёти йўлга қўйилади.



## Айман САФАДИЙ: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ИОРДАНИЯДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРАФИГА ЭГА БЎЛИШНИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТМОҚДАМИЗ

Ўзбекистонга ташриф буюрган Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар ва муҳожирлар масалалари бўйича вазири Айман Хусайн САФАДИЙ “Дунё” АА муҳбирига интервью берди.

### Интервью

— Мен учун Ўзбекистонда меҳмон бўлиш катта шараф. Бизнинг ташрифимиз ўтган йили Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Хусайн Хазрати Олийларининг Ўзбекистонга амалга оширган тарихий ташрифи, шунингдек, у кишининг Президент Шавкат Мирзиёев Жано-би Олийлари билан ўтказган самарали музокаралари ва сермахсул учрашувларида эришилган натижаларнинг мантиқий давомидир.

Мамлакатларимиз биродар давлат-

лардир. Биз ҳамкорлиқнинг бой тарихига эгамиз ва келгусида ўзаро манфаатли алоқаларимизни янада юксак босқичга олиб чиқиш устида биргаликда ишлаяпмиз.

Ўзбекистон Президент Жаноби Олийлари раҳнаомлигида улкан тараққиётга эришаётган буюк мамлакатдир. Гўзал Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази бизда мамлакатнинг бой тарихи ва бебаҳо меросини акс эттирувчи маърифатпарварлик руҳини янада теран ҳис қилиш имконини берди.



## МАЪРИФАТГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида 7 — 11 июль кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтадиган “Ислон цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли” мавзусидаги I Халқаро ислон цивилизацияси форуми олдинда брифинг ташкил этилди.



Унда анжуманнинг мақсад ва вазифалари, тадбирлар дастури ҳамда халқаро аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, мазкур форум Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган маърифат ва диний бағрикенглик ғояларининг амалий давоми ҳисобланади.

Форумнинг бош мақсади ислон цивилизациясининг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, буюк алломуларимиз меросини халқаро миқёсда тарғиб қилиш, турли мамлакатлар олимлари ўртасидаги илмий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашдан иборат.



## ФАОЛ МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Спикер Нуриддин Исмоиловнинг Ўзбекистондаги дипломатик миссиясини яқунлаётган Озарбайжон Республикасининг Фавқуллодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиев билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг узокни кўзлаб амалга ошираётган одилона сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари юқори босқичга кўтарилгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 17-18 май кунлари Озарбайжон Республикасида амалий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янги сифат босқичига кўтаргани таъкидланди.

Қонунчилик палатаси Спикери элчининг Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини

мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришга қўшган салмоқли ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, Гусейн Гулиев самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, дипломатик фаолияти давомида буюк ўзбек тарихий сиймоларининг ҳаётини, шунингдек, мамлакатнинг бой тарихини ўрганиш имконига эга бўлгани ва бу унда чуқур таассурот қолдирганини билдирди.

Шунингдек, элчи ўзбек ва озарбайжон халқлари бир-бирдан ажратиб бўлмайдиган қардош халқлар экани, икки давлат раҳбарларининг

сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар барча соҳада сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини айтиб ўтди.

Мулоқотда сўнгги йилларда парламентлараро алоқалар сезиларли даражада мустаҳкамлангани таъкидланиб, фаол муносабатлар ва стратегик шериклик шариоатида олий даражада эришилган келишувларнинг самарали ижросини таъминлашда парламентларнинг ролини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув очик ва дўстона руҳда кечди.

«Халқ сўзи».



# МУШТАРАК ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР

Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги муносабатлар тарихий илдизга эга. 2022 йил 19 июлда Тошкентдаги Шота Руставели майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтган бўлса, 2025 йил 20 май куни Тбилиси шаҳар кенгаши қарори билан пойтахтнинг марказий боғларидан бирига буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий номи берилгани бежиз эмас. Бугунги кунда ҳам ўзаро муносабатлар сиёсий, иқтисодий маданий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда Грузиянинг биринчи ракамли банки — “ТБС” муваффақиятли фаолият юритиб, ҳозирда Ўзбекистонда Грузия капитали иштирокидаги 20 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. Тошкент билан Тбилиси ва Батуми шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Грузия йўналиши алоҳида аҳамият касб этади. Денгизга чиқиш нуқтаси ҳисобланган Грузия ўзининг Европа ва Осиёни боғловчи транзит ханжирдаги ўрни, “Урта йўлак” лойиҳасидаги мавқеи, шунингдек, туризм, банк, логистика, ахборот технологиялари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришдаги иштироки билан ажралиб туради.

2 июль куни Президентимизнинг Грузияга давлат таширфи доирасида бўлиб ўтган музокаралар давомида ўзаро савдо ҳажмини, жумладан, Потти ва Батуми портлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали янада ошириш масалаларига устувор эътибор қаратилиб, бунинг учун имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Ишбилармонлик, туристик ва гуманитар алмашинувларни йўлга қўйиш учун ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш мўҳимлиги таъкидланди.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 270 млн. долларни ташкил қилди, жорий йил бошидан буён эса 100 млн. доллардан ошди. Яқин йилларда ушбу кўрсаткични 1 млрд. долларга етказиш, савдодаги номунасосиблиқни бартараф этиш, саноат кўргазмаларини ўзаро ўтказиш орқали икки мамлакат ўртасида талаб юқори бўлган маҳсулотларни етказиб бериш ҳажмини ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди. Музокара-лар давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-транзит, туризм ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Томонлар ҳукуматлар, парламентлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги фаол алоқаларни ҳамда маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш мўҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Боку — Тбилиси — Карс темир йўлининг ишга туширилганини олқишлади. Уни барпо этилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл магистралли билан боғлаш масаласини ўрганиш тақлиф этилди. Қишлоқ ҳўжалиги, электротехника ва энергетика тармоқлари, фармацевтика, озиқ-овқат ва енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва девелопмент, рақамлаштириш, ахборот технологиялари, рақамли банк ҳамда туризм соҳаларида янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Лойиҳавий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма Инвестиция жағмармасини ташкил қилиш тақлифи илгари сурилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Грузиядаги элчихонасини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Тбилиси шаҳридаги тadbирлар доирасида Ўзбекистон — Грузия кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳис-саси учун Грузия Президентининг мамлакатимиз раҳбарига Грузиянинг олий давлат мукофоти — “Олтин мўйна” орденини топширгани ҳам ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганидан далолат.

Жаҳонгир МАМАЖОНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



# БУЮК ШОИРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Баъзан ҳаётда шундай рамзий воқеалар юз берадики, улар асрлар давомида узилмай келаётган маънавий ришталарнинг қанчалик мустаҳкамлиги ва барқарорлигидан далолат беради.

3 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Грузияга давлат ташир-фи доирасида Тбилиси шаҳрида буюк мутафаккир, туркий адабиётнинг бена-зир даҳоси ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали равишда очилиши ана шундай улуг воқеалардан бири бўлди. Маросимда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Гру-зия Бош вазири Ираклий Кобахидзе иштирок этди.

Мазкур ҳайкал нафақат буюк шоир хотирасига эҳтиром, балки тарих билан бугунни боғлаган маънавий кўприк-дир. Зеро, беш ярим аср муқаддас Алишер Навоий ўзининг буюк “Садди Искандарий” дostonида Гуржи юртини алоҳида тилга олган эди:

Тушуб Чаркусу Гуржа сори йўли,  
Бўлуб борча гуржию чаркас кули.  
Шимол аҳли эҳсонга тарқ айлабон,  
Таважжўҳ қилиб азми Шарқ айлабон.

Бу мисралар зоҳиран Искандар юришларини тасвирласа-да, уларда Кавказ ўлкалари, уммадан, Гуржистон ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўз аксини топган. Энг муҳими, Алишер Навоий Гуржи диёрини кенг тарихий-маънавий маконнинг бир қисми сифатида тилга олади.

Бугун тарих гўё ўзининг чиройли да-вомини топди. Бир вақтлар буюк аждо-димиз шеъриятида тилга олинган Гур-жи диёрида энди улуг мутафаккирнинг муҳташам ҳайкали қад ростлади. Бу воқеа ўзбек ва грузин халқлари ўрта-сидаги маданий алоқалар тарихида му-ҳим босқич сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон ва Грузия халқларини азалдан Буюк Ипак йўли, савдо-сотик, илм-фан ҳамда маданий алоқалар боғ-лаб келган. Бугунги кунда икки давлат раҳбарларининг ташаббуслари туфай-ли ушбу муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтаришмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Грузияга ташир-фи нафақат сиёсий ва иқтисодий ҳам-корлик, балки маданий-гуманитар ало-қаларни мустаҳкамлаш нуктаи назари-дан ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек халқи Грузиянинг буюк шоири Шота Руставели меросини ҳамиша юксак қадрлаб келган. Тошкент шаҳри-нинг марказий кўчаларидан бири унинг номи билан аталади, пойтахтимизда унга ҳайкал ҳам ўрнатилган. Ўз навба-тида, жорий йилда Тбилисидаги мар-казий боғлардан бири Алишер Навоий номи билан аталгани икки халқнинг бир-бирининг буюк фарзандларига ху-рматининг ёрқин намунасидир.

Шота Руставели яшаган адабий муҳит ҳам Шарқ мумтоз маданияти би-



лан чамбарчас боғлиқ эди. Унинг маш-хур “Йўлбарс терисини ёпинган паҳла-вон” дostonида инсонпарварлик, адолат, садоқат, мардлик ва маърифат гоёлари устувор ўрин тутди. Бу гоёлар кейинчалик Алишер Навоий ижодида ҳам юксак баъдий камолот билан на-моён бўлади. Шу маънода, Руставели ва Навоий ижоди икки халқни бирлаш-тирувчи умуминсоний қадриятларнинг баъдий ифодаси ҳисобланади.

Ўзбек ва грузин халқларини яқинлаш-тириб келаётган омиллардан яна бири — уларнинг муштарак адабий манба-лардан баҳраманд бўлгани. Бу жиҳат, айниқса, XVII аср грузин мумтоз ада-биёти вакили Нодар Цицишвилининг “Барамгуриани” асари мисолида яқол кўринади. Мазкур асар Баҳром Гўр ҳақидаги Шарқ адабий аънавалари би-лан боғлиқ бўлиб, унинг илдизлари Ни-зомий Ганжавийнинг “Хафт пайкар” ҳамда Алишер Навоийнинг “Саъъи сайёр” дostonларидида образлар би-лан уйғун.

“Хафт пайкар” Низомий “Хамса”син-нинг машхур дostonларидан бири бўлиб, Баҳром Гўр ҳаёти ва етти мали-канинг ҳикояларини ўз ичига олади. Алишер Навоий ҳам айнан Низомий асос солган буюк “Хамса” аънаъасини туркий тилда юксак баъдий камолотга етказган даҳодир. Бу гўзал шеърй қисса Навоийнинг “Саъъи сайёр” аса-рида янада ёрқин ва ҳозибали тарзда баён қилинади. “Барамгуриани” dosto-нида эса грузин шоири Низомий ва Навоий аънаваларини давом эттириш, Шарқда машхур бўлган Баҳром Гўр

ҳақидаги афсоналарнинг ўзига хос талқинини яратди.

Яна бир қизик жиҳати, Алишер Навоий “Тарихи мулуки Аҷам” асарида Баҳром Гўр ҳақида сўз юритаркан, унинг айнан Гуржис-тонга қилган юришлари ҳақида тўхталди. Тарихий манбаларда, ҳақиқатан ҳам, Грузиянинг шар-қий ҳудудлари — қадимги Ибе-рия маълум муддат Сосоний-лар сулоласи вакили Баҳром V (Баҳром Гўр) ҳукмронлиги ости-да бўлгани зикр этилган. Бу эса Алишер Навоийнинг Грузия та-рихидан яхши хабардор эканига яна бир далилдир.

Бу улуг даҳоларнинг ҳар уча-ла асарида адолатпарвар ҳукм-дор, эзгулик, қомил инсон, вафо, муҳаббат ва маънавий покланиш гоёлари муҳим ўрин тутди.

Грузияда Алишер Навоий ме-росига қизиқиш кейинги давр-ларда ҳам давом этган. Унинг ғазаллари ва “Хамса”сига ман-сў айрим дostonлари грузин ти-лига таржима қилинган, ада-биётшунослар томонидан ўрга-нилган. Тбилисидаги Корнели Кекелид-зе номидаги Қўлэмалар миллий мар-казида араб, форс ва туркий тиллар-даги қўллаб ноёб Шарқ қўлэмалари, жумладан, Алишер Навоийнинг турли даврларда кўчирилган асарлари ҳам сақланади. Жамшид Гунашвили, Ма-ғали Тодуа, Александр Гавахриа синга-ри грузин олимлари буюк шоир ижоди бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Айни пайтга қадар Навоийнинг қатор ғазаллари, рубойилари, дostonлари грузин тилига таржима қилинган, ҳатто мактаб дарсликларига ҳам киритилган.

Шу нуктаи назардан қараганда, Тби-лиси шаҳрида улуг мутафаккир ҳайка-лининг қад ростлаши бежиз эмас. Бу асрлар давомида бир-бирини бойитиб келган икки буюк адабий аънаъанинг, икки халқнинг ўзаро эҳтироми ва маъ-навий яқинлигининг рамзий ифодаси-дир. Беш ярим аср муқаддас Навоий шеъриятида тилга олинган Гуржи диё-ри бугун унинг муҳташам ҳайкалини ўз бағрига олди.

Алишер Навоийнинг бутун ижоди халқлар ўртасида меҳр-оқибат, эзгулик, бағрикенглик ва маърифат гоёларини тараннум этади. Шу маънода, Тбили-сида қад ростлаган ҳайкал нафақат санъат асари, балки маънавий мулоқот тизмоллидир. Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги дўстлик ришталарини яна-да мустаҳкамлашга, маданий ҳамкор-ликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Рустам ЖАББОРОВ  
(«Халқ сўзи»).

# ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2-3 июль кунлари Грузияга амалга оширган давлат таширфи мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Айниқса, бу сўнгги 23 йил давомида Ўзбекистон Президентининг Грузияга амалга оширган биринчи давлат таширфи сифатида икки мамлакат муносабатларида янги саҳифа очди.

Таширфининг энг муҳим натижаси — Ўзе-кистон ва Грузия ўртасида Стратегик шерик-лик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларация имзолангани. Бу ҳужжат икки дав-лат ўртасидаги сиёсий мулоқот, савдо-иқти-содий ҳамкорлик, транспорт-транзит, таълим, илм-фан, маданият ва гуманитар алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқади. Страте-гик шериклик тўғрисидаги қарорнинг аҳами-яти Грузия раҳбарияти томонидан ҳам юксак баҳоланди. Давлат таширфи якунида Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе ушбу кели-шувни икки мамлакат муносабатларидаги му-ҳим тарихий қадам сифатида эътироф этар экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги тараққиёт йўлини юксак баҳоллади. Бу, шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг халқро майдондаги тобора ортиб бораётган нуфузининг яна бир эъти-рофи ҳисобланади.

Президентимиз музокараларда қайд этга-нидек, икки мамлакат ўртасидаги муносаба-тлар сўнгги йилларда изчил ривожланиб бор-моқда. 2025 йил якунларига қўра, ўзаро то-вар айирбошлаш ҳажми 270 млн. долларга етди, жорий йил бошидан буён эса 100 млн. доллардан ошди. Томонлар яқин йилларда ушбу кўрсаткични 1 млрд. долларга етказиш, савдодаги номунасосиблиқни бартараф этиш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувга эришди.

Транспорт ва логистика соҳасида ҳам му-ҳим ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, мамлакатимиз юкларини ташийида Потти ва Батуми портлари имкониятларидан самара-ли фойдаланиш, Грузияда логистика хабини ташкил этиш, шунингдек, Боку — Тбилиси — Карс темир йўлини барпо этилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл ма-гистралли билан боғлаш бўйича тақлифлар билдирилди. Бу ташаббуслар мамлакатлари-миз иқтисодий интеграцияси учун катта аҳамиятга эга.

Муҳим натижалардан яна бири — касбий ва олий таълим, фан ва инновациялар соҳа-сида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолан-



новацион лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Мазкур келишувлар биз учун келгусидаги вазифаларни белгилаб беврувчи муҳим ҳуқуқий асосдир. Жорий йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети делегациясининг Грузияга са-фари ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилди. Таширф давомида Тбилиси давлат университети, Грузия университети ҳамда Телави давлат университети билан ҳамкор-лик шартномалари имзоланди.

Музокаралар жараёнида университетлари-миз ўртасида академик мобилиликни кенгай-тириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, қўшма таълим дастурлари, илмий тадқиқотлар, ёзги ва кишки мактаблар, малака ошириш курслари ҳамда таржимонлар тайёрлаш соҳаларида амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишувларга эришилди.

Айниқса, Тбилиси давлат университети би-лан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари уни-верситетида 2026/2027 ўқув йилидан мала-кали грузин тили ўқитувчиларини жалб қилиш, 10 нафардан талабамизни ўзаро алмашиб бўйича англашувга эришилди.

Грузия Олий таълим, фан ва ёшлар ва-зирлиги раҳбарияти билан бўлиб ўтган уч-рашувларда университетимизда Грузин тили марказини ташкил этиш, уни замонавий ўқув-услубий база билан таъминлаш, грузин ти-лини ўқитишни тизимли йўлга қўйиш, келгу-сида эса Тбилиси давлат университетида Ўзбек тили марказини очиш, шунингдек, маз-кур вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишга келишиб олдик.

Айни пайтда Грузияга хизмат сафари да-вомида эришилган келишувлар ихроси юза-сидан тегишли саъй-ҳаракатлар олиб бори-лаётди.

Айтиш жоизки, давлат раҳбарлари томи-ндан стратегик шериклик даражасига кўта-рилган муносабатларнинг муҳим амалий на-тижаларидан бири ҳам ана шундай универ-ситетларро ҳамкорлигининг янги мазмун би-лан бойиб бораётганида намоён бўлмоқда. Бу ташаббуслар нафақат хорижий тиллар таъ-лими ва таржимонлар тайёрлаш сифатини юксалтиришга, балки мамлакатларимиз ўрта-сидаги илм-фан ва маданий-гуманитар ало-қаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қили-ши шубҳасиз.

Президентимизнинг Грузияга давлат таши-рфи давомида жорий йилда Ўзбекистонда қўшма таълим ва туризм форумларини ўтка-зиш режалаштирилгани ҳам таълим соҳаси учун муҳим аҳамиятга эга. Бу каби ташаб-буслар университетлар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш, академик мобилиликни кенгайтириш ҳамда халқро таж-рибани бойитишга хизмат қилади.

Бугунги кунда замонавий меҳнат бозори рақобатбардош, бир нечта хорижий тилни мукаммал эгаллаган, рақамли технологиялар ва инновацион ёндашувларни яхши ўзлаш-тирган мутахассисларни талаб этмоқда. Шу нуктаи назардан, таширф доирасида ахбо-рот-коммуникация технологиялари ва рақам-лаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, туризм, маданият, соғлиқ-ни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳа-лардаги қатор ҳужжатларнинг имзоланиши олий таълим муассасалари зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юклайди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари уни-верситетида халқро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш, етакчи хорижий олийгоҳлар би-лан қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, академик мобилиликни ривожлантириш, хори-жий тилларни ўқитиш сифати ва таржимон-лик таълими самарадорлигини ошириш ус-тувор вазифалардан ҳисобланади. Грузиянинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик-ни йўлга қўйиш, тилшунослик, таржимашу-нослик, журналистика, туризм, маданиятлар-аро коммуникация ва халқро муносабатлар соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оши-риш учун бугун ҳар қачонгидан ҳам катта эҳтиёж ва қулай имкониятлар яратилмоқда.

Таширфининг маданий-гуманитар натижа-лари ҳам таҳсинга лойиқ. Тбилиси шаҳрида буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайка-лининг тантанали очилиши халқларимиз ўрта-сидаги тарихий дўстлик ва маънавий яқин-лиқнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда буюк грузин шоири Шота Руставели меросига юксак эҳти-ром кўрсатилиб, унинг номи пойтахтимизда-ги кўчалардан бирига берилгани ва ҳайкали ўрнатилиши маданий алоқаларнинг мус-таҳкам асосларга эга эканини кўрсатади.

Таширф доирасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури, 2027 йил-гача мўлжалланган Кооперация дастури ҳамда таълим, маданият, рақамлаштириш, туризм, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш ва бошқа со-ҳаларни қамраб олган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Бу келишувлар ма-млакатларимиз ҳамкорлигини узоқ муддатли асосда янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Гру-зиянинг олий давлат мукофоти — “Олтин мўйна” ордени билан тақдирлангани ташир-фининг энг муҳим воқеаларидан бири бўлди. 1998 йилда таъсис этилган мазкур ордено хори-жий давлатлар билан ҳамкорликни мус-таҳкамлашга қўшган алоҳида ҳиссаси учун берилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу юксак мукофот билан тақдирланиши Янги Ўзбекистоннинг халқро майдондаги юксак обрў-эътибори, мамлакатимизда амалга оши-рилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсат-нинг халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яна бир амалий тасдиғидир.

Ишончли қомилик, мазкур давлат ташир-фи натижалари Ўзбекистон ва Грузия ўрта-сидаги стратегик шериклик муносабатлари-ни янада мустаҳкамлайди, илм-фан, хорижий тиллар таълими, академик мобилилик ва ма-даний-гуманитар ҳамкорликни янги босқичга кўтаради. Бу эса мамлакатларимиз ўртаси-даги дўстлик ришталарини янада мустаҳкам-лашга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва Янги Ўзбекистоннинг халқро таълим ҳамда илмий макондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори.



# МАЪРИФАТГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарла-рида ўтказиладиган анжуманда 50 дан ортиқ давлатлардан қарийб 300 нафарга яқин хорижлик меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда. Улар ора-сида давлат ва жамоат арбоблари, вазирлар, муф-тийлар, академиклар, исломшунос олимлар, қўлэмашунослар, музей ва кутубхоналар раҳбарла-ри, нуфузли халқро ташкилотлар ҳамда оммавий ах-борот воситалари вакиллари бор. Бу эса анжуман-нинг ҳақиқий халқро мулоқот ва академик ҳамкор-лик майдонида айланишидан далолат беради.

Брифингда қайд этилганидек, форум Ўзбекистон-даги Ислмо цивилизацияси маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқро илмий-тадқиқот марказла-ри, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқро исломшунослик академияси ҳамда ICESCO ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросими Президентимиз та-шаббуси билан барпо этилган Ўзбекистондаги Исл-ом цивилизацияси марказида ўтказилиши ҳам рам-зий аҳамият касб этиши таъкидланди. Зеро, қисқа вақт ичида мазкур марказ нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақадаги энг йирик ва нуфузли ил-мий-маърифий масканлардан бирига айланиб ул-гурди.

Форум ўз қўлами жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Унинг доирасида 4 та халқро конферен-ция, 10 та ялпи мажлис, 15 та пленар йиғилиш ҳамда 6 та соҳавий шўьба ташкил этилади. Уларда ислом цивилизацияси тарихи, ҳадис илми, калом, қўлэмашунослик, музейшунослик, археология, маданий ме-росни муҳофаза қилиш, рақамлаштириш, маданий дипломатия ҳамда Янги Ўзбекистонда амалга оши-рилаётган маънавий-маърифий ислохотлар муҳокама қилинади.

Анжуман доирасида китоблар ва илмий нашрлар тақдиротида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. ICESCO билан ҳамкорликда тайёрланган “Имом ал-Бухорий-нинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари — “Умнат китоби” мавзусидаги халқро конференция тезислар тўплами, IRICA билан шерикликда нашр этилаётган “Шавкат Мирзиёев — маърифатпарвар йўлбошчи” китоб-аль-боми, Россия мусулмонлари диний идораси билан биргаликда чоп этилган Имом Термизийнинг “Шамо-или Мухаммадия” асарининг рус тилидаги академик нашри ва бошқа фундаментал лойиҳалар намоийиши форумнинг энг эсда қоларли воқеаларидан бири бўлади.

Форумнинг биринчи кунги ялпи мажлисларида ис-лом цивилизациясининг маънавий мероси, Янги Ўзбе-кистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаёт-ган ислохотлар, Ўзбекистондаги Ислмо цивилизация-си марказининг халқро илмий-маърифий платформа сифатидидаги ўрни, шунингдек, қўлэмаларни асраш, музейлар ва кутубхоналар ҳамкорлигини ривожланти-риш каби долзарб мавзүүлр муҳокама қилинади.

Тадбир давомида Ўзбекистондаги илмий-маърифий марказлар ва хорижининг етакчи илмий муассасалари ўртасида қўшма лойиҳалар, янги илмий нашрлар, археологик кашфиётлар, ноёб қўлэмалар ва рақамли лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Шунингдек, ҳам-корликка оид “йўл хариталари” муҳокама қилиниб, меморандум ва битимлар имзоланиши режалашти-рилган. Бу эса форумнинг фақат илмий муҳокама би-лан чекланмасдан, аниқ амалий натижаларга хизмат қилишини кўрсатади.

Тадбирнинг муҳим қисми Самарқанд ва Термиз ша-ҳарларида бўлиб ўтадиган халқро конференциялар-дир. Улар буюк алломаларимиз — Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизийнинг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганишга бағишлангани билан аҳамиятли.

Жумладан, Самарқандда ўтказиладиган “Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари — “Умнат китоби” мавзусидаги халқро конференцияда буюк му-ҳаддиснинг ҳаёти, унинг илмий камолоти, ҳадислар-ни саралаш услублари “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”нинг яратилиш тарихи, қўлэмалари ҳамда мазкур асар-нинг ислом цивилизацияси тараққиётидаги ўрни ат-рофича муҳокама қилинади. Бу конференция доирасида бешта пленар йиғилиш ўтказилиши режа-лаштирилган бўлиб, уларда Саудия Арабистони, Миср, Марокаш, Туркия, Ҳиндистон, Бангладеш, Буюк Бри-тания, Тунис ва бошқа мамлакатлардан келган етак-чи ҳадисшунос олимлар маърузалар қилади.

Имом Мотуридийнинг мубаҳо меросига бағишлан-ган конференцияда эса мўътадиллик, диний бағри-кенглик, ақл ва нақл уйғунлиги каби масалалар замо-навий нуктаи назардан таҳлил этилади.

Термиз шаҳрида ўтказиладиган анжуман Термиз ҳадис мактаби ва Имом Термизийнинг жаҳон ҳадис-шунослигига қўшган беқиёс ҳиссасини ўрганишга ба-ғишланади. Бу конференциялар орқали Ўзбекистон на-фақат буюк алломалар юрти, балки улар меросини ти-зимли ўрганиш ва халқро миқёсда тарғиб этишнинг замонавий маркази сифатида ҳам намоён бўлади.

Брифингда таъкидланганидек, I Халқро ислом ци-вилизацияси форуми мамлакатимиз тарихида илк бор ўтказилаётган йирик халқро маърифий анжуман си-фатида Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси бой ме-росини асраб-авайлаш ва уни жаҳон ҳамжамиятига кенг танитиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини яна бир бор намоён этади. Шу маънода, форум нафақат ил-мий мулоқот майдони, балки тинчлик, бағрикенглик ва маърифат гоёларини бирлаштирувчи нуфузли халқро платформа бўлиши кутилмоқда.

«Халқ сўзи».

## Рағбат

## ЁШ МУҲАНДИСГА МУНОСИБ ТУҲФА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ёшлар куни муносабати билан Олимпия шаҳарчасида ташкил этилган махсус кўргазмада мамлакатимизнинг фаол ва ташаббускор йигит-қизлари томонидан амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар билан танишди.



Кўргазмада Нукус давлат техника университети талабалари томонидан халқаро “Shell Eco-marathon” танлови учун яратилган “Aral Drive” лойиҳаси ҳам тақдим этилди. Давлатимиз раҳбари ушбу жамоа аъзоси, университети талабаси ва Нукус ёшлар техноклари резиденти Айзада Асанованинг “Янги авто автомобиллари” йўналишидаги ютуғини муносиб баҳолаб, уни Президент совғаси — “Volkswagen” электромобибли билан тақдирлади.

Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев Ёшлар кунига бағишланган кўргазма иштирокчилари билан учрашиб, Президент совғасини ўз эгасига тантанали равишда топширди. Учрашувда “Aral Drive” жамоаси эришган ютуқ билан кутланиб, уларга Бельгияда бўлиб ўтадиган халқаро мусобақада ҳам муносиб натижаларга эришиш тилаклари билдирилди.

Мазкур эътироф мамлакатимизда ёш муҳандислар ва инновацион гоғлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

«Халқ сўзи».

## НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Хорватиянинг Загреб шаҳрида “SuperUnited Rapid & Blitz Croatia — 2026” мусобақаси якунланди.

## Шахмат

Мукофот жамғармаси 200 минг АҚШ долларидан иборат нуфузли турнирда ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов, франциялик Алиреза Фирузжа ва Максим Васье-Лаграв, ҳиндистонлик Рамешбабу Прагнананда ва Доммаражу Гукеш, нидерландиялик Аниш Гири ва Жордан Ван Форест, германиялик Винсент Каймер, руминиялик Богдан-Даньел Дяк, хорватиялик Иван Сарич

ғолиблик йўлида кураш олиб борди.

“Grand Chess Tour” тизимидаги мусобақанинг рапид йўналишида 12 очко жамғарган Алиреза Фирузжа 1-ўринни эгаллаган бўлса, блиц баҳсларида терма жамоамиз сардори Нодирбек Абдусатторов ўзига хос ўйин намоиши этиб, 12,5 очко жамғарган ҳолда ғолибга айланди.

Мусобақа сарҳисобиға кўра, Нодирбек Абдусатторов ва Алиреза Фирузжа 24 очкоға эғалик қилган ҳолда қўшимча тай-брек



беллашувида рўбарў келди. Биринчи ва иккинчи партияларда томонлар муроса йўлини танлагани боис мусобақа ғолиби армагед-

дон форматигади баҳсда аниқланадиган бўлди.

Мазкур ўйин шаклида оқлар 5, қоралар 4 дақиқа вақт билан

ҳаракатланиши белгиланган бўлиб, 61-юришдан бошлаб ҳар бир дона суришға 2 сониядан вақт қўшилиши белгиланган.

Ташланган қуръаға биноан армагеддон форматининг илк ўйинида Алиреза Фирузжа қора доналарда дурангға эришиши ортидан “SuperUnited Rapid & Blitz Croatia — 2026” ғолиблигини қўлга киритди ва 47 минг 500 доллар билан тақдирланди. Ўз навбатида, 2-ўринни эгаллаган Нодирбек Абдусатторов 42 минг 500 доллар миқдоригади мукофот пулини қўлга киритди.

«Халқ сўзи».

## ЯНГИ КҮЧ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ



Китоб туманидаги Қайнар қишлоғида жойлашган “Ёш алангачи” оромгоҳида ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли кўнгилочар, интеллектуал, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

## Ёзги таътил

Ана шундай тадбирлардан бири Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда “Энг яхши китобхон ўқувчи” ва “Ижодимда Ватан мадҳи” расмлар танлови, спорт мусобақаси ҳамда миллий таомлар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбир якунида фаол катнашган болажонларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсда-

лик совғалари топширилди.

— Оромгоҳларда болаларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Комила Каромова. — Шу асосда вилоятдаги барча оромгоҳда бу каби тадбирларни ўтказиб бораёلمиз.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ  
(«Халқ сўзи»).

## СЎЗИНГИЗ ЎЗИНГИЗНИКИМИ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев маданият, санъат ва адабиёт соҳаси ходимлари билан ўтказган учрашувда рақамли технология ҳамда сунъий интеллект ижод ва маданият соҳаларига ҳам кириб келганини қайд этиб, ҳар бир асарнинг рақамли изини яратиш орқали ижодкорлар ҳуқуқини кафолатли ҳимоя қилиш имкониятлари ҳақида алоҳида тўхталди. Энг асосийси, замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

## Мулоҳаза

Чиндан ҳам, сунъий интеллект технологиялари тараққий этган даврда яшаямиз. Кимки ундан фойдаланмаса, рақобатга дош беролмаслиги муқаррар. Чунки инсон яратган ушбу ихтиро шу қадар жадал суръатларда ривожланиб бораёткики, қисқа вақт ичида қўллаб масалаларда кундалик ёрдамчимизга айланиб улгурди. Аммо ҳар қандай қулайликлар ўзига яраша йўқотишларга ҳам олиб келади. Масалан, яқин-яқингача одамлар бирор манзилни топишда қоғоз харитадан фойдаланган бўлса, эндиликда навигаторлар бу жараённи тўлиқ ўз зиммасига олди. Натижада манзилга етиб олиш учун ақлий мушоҳада юритишга ҳожат қолмади. Демакки, инсон техника ва илм-фанда юксакларга чиққани сари, интеллектуал жиҳатдан дангасалашиб бориш хавфи ҳам сақланиб қолмоқда.

## Ҳар кишининг айтир сўзи бўлса...

Устоз шоирлардан бири ўз шеърларида шундай ёзади:

**Киши билан сўхбат қурсанг,  
Унинг айтир сўзи бўлса,  
Бировлардек турланмаса,  
Рўпарангда ўзи бўлса.**

Шоир айтган “Унинг айтир сўзи бўлса” деган фикр бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Айниқса, журналист ва ижодкорлар илгари шахсий услуби, ижодий ўзига хос оҳанги ва фикрининг табиийлиги билан бир-биридан фарқланган бўлса, бугун ижодий жаранларда бирихиллашув устуворлик қилмоқда.

Тан олиш кераки, сунъий интеллект матн ёзишни мисли қўрилмаган даражада осонлаштирди. Таҳририй жиҳатдан тўғри, мантқан изчил мақола бир неча сонияда тайёр бўлади. Бироқ айнан шу қулайлик ортдан инсоннинг ўз фикрини жамлаш, уни бехато, раван ва табиий етказиш кўникмасига путур етмоқда.

Бундан бир аср муқаддам ёзилган матннинг — хоҳ у шеър ёки насрий асар, хоҳ мақола бўлсин — ёзилиш услубидан келиб чиқиб ким-

нинг қаламига мансуб эканини тахмин қилиш имкони бор. Чўлпоннинг сатрларида Ватан қўйғусидан изтироб ва уйғониш нафаси сезилса, Абдулла Қодирийнинг асарларида аниқлик ва мулоҳазақорлик уфуриб туради. Бу ўша даврнинг ёзувчи ёки шоирларигагина хос эмас. Ҳар бир соҳада ижодийлик ва шахсий имзони илғаш мумкин.

Бугун-чи? Бугун ижодкорларимиз матнларидаги ўзига хослик билан мақтана оладими? Ёзилаётган мақолалар, эълон қилинаётган постлар ва контентлар, уларга қолдирилаётган изохлар диққат билан ўқилса, уларнинг катта қисми ўзаро ғайриоддий даражада ўхшашлигига ғувоҳ бўласиз. Концепция бир хил, мувозанатли, аргументлар тартибли, ҳулоса эса деярли қутилганидек. Гўёки муаллифлар кўп, лекин фикрлар битта миёда туғилаётгандек таассурот уйғотади. Энг хавотирлиси, бу бирхиллик замонавий ёзиш маданиятининг янги нормасига айланиб қоляпти.

Тўғри, рақамли муҳит тезкорлик ва самарадорлиқни талаб қилади. Битта кичик матн устида соатлаб ишлаш замондан орқада қолиб кетишга сабаб бўлиши мумкин. Сунъий интеллект эса бу жараённи тезлаштириб, грамматик мукаммал, мантқан изчил матнларни таклиф этади. Бироқ улар ҳиссий ва индивидуал ўзига хосликлардан холи бўлади. Парадокс шундаки, айнан шу “ўзига хослик” (ноаниқ паузалар, кескин бурилишлар, ғайриоддий иборалар) ижодкорнинг шахсий имзосини яратарди. Бу жараён индивидуаллик ва маданий хилмаҳилликка таъсир қилувчи чуқур трансформациянинг белгиси бўлгани учун ҳам муҳим.

Аслида услуб муаллиф тафаккурининг мевасидир. Француз адабиётшуноси Ролан Барт “Ёзувнинг

нолинчи даражаси” асарида ёзувчи тилини танлай олса-да, услубини танлай олмаслигини, у инсонга табиий тарзда берилишини таъкидлайди. Тилшунослиқда бу ҳодиса “идиолект” атамаси билан изоҳланади, яъни ҳар бир кишининг сўз танлаши, гап қурилиши ва оҳанги ҳудди бармоқ изидек ноёбдир. Шу боис муаллифни таниш учун унинг исмини билиш шарт эмас, баъзан биргина жумла кифоя.

Бунинг ёрқин мисоли — XX аср охирида АҚШни ларзага солган “Унабомбер иши”. Гап шундаки, ўн етти йил мобайнида номалум террорчини на ДНК, на бармоқ изи орқали топа олишган. Бурилиш нуқтаси унинг ўттиз беш минг сўзли манифести бўлган. Лингвистлар матндаги лексик одатлар ва нутқ қурилиши орқали муаллифнинг ижтимоий келиб чиқиши ва ҳатто географик муҳитини аниқлашган. Де-

нуфузли “Science Advances” журналида эълон қилинган тадқиқотда олимлар сунъий интеллект ёрдамида ёзилган ҳикоялар алоҳида олинганда сифатлироқ ва ижодийроқ баҳолангани, аммо бир-бирига сезиларли даражада ўхшаб қолганини аниқлашган. СИ айрим муаллифларнинг ишини такомиллаштириши мумкин, бироқ ижодий хилмаҳиллик қамаяди.

Бунинг сабабини машҳур ёзувчи Тед Чан образли изоҳлайди. Унинг таърифича, чатбот “интернетнинг хира JPEG-сурати”, яъни у мавжуд матнларни айнан такрорламай, тахминан қайта ифодалайди. Натижа раван ва силлиқ кўринади, лекин у асл манбанинг хиралашган нусхаси, холос. Шунинг учун бундай матнлар тез ўқилади-ю, хотирада қолмайди. Тилшунослиқдаги Сапир-Уорф фаразига кўра, инсон дунёни қандай идрок этиши кўп жиҳатдан тил бой-

— бу одат секин-аста оммавийлашиб бораётганидир.

Бугун дунёнинг етакчи таҳририятлари сунъий интеллектдан транскрипция, таржима, маълумотларни саралаш ва оддий хабарларни тайёрлашда фойдаланади. Бироқ журналистиканинг асл қиммати силлиқ жумлалар билан ўлчанадими ёки воқеа жойида бўлган, кўрган-кечирганини ўз сўзи ва ўз овози билан еткази оладиган мухбирнинг тирик ғувоҳлиги билими? Агар барча таҳририятлар бир воситадан бир хил тарзда фойдаланса, хабарлар ҳам бир-бирини такрорлай бошлайди. Ўқувчини ўзига жалб этадиган ўзига хослик йўқолади. Шу боис сунъий интеллектни мухбир ўрнини эгаллайдиган восита эмас, унинг ёрдамчиси сифатида қўриш касб келажаги учун муҳим.

## Фикрий қарамлик остонасида

Муаммо технологияда эмас, уни қандай қўллашимизда. Албатта, сунъий интеллектнинг инкор этиб бўлмас фойдали жиҳатлари бор. У ёзишни тезлаштиради, фикрни тартибга солади, грамматик хатоларни қамайтиради. Айниқса, тил ўрганаётганлар ва фикрини аниқ ифодалашда қийналаётганлар учун у самарали кўмакчи. Аммо айтиш шарт қулайлик ортида сезилмас, лекин чуқур хавф мавжуд. Агар биз тайёр матнға кўникиб қолсак, мустакил ижод қилиш қобилиятимиз заифлашади. Сунъий интеллект фикрни баён этишни осонлаштириб бериши мумкин, бироқ бизнинг ўрнимизга фикрлай олмайди.

Бугун ҳар биримиз танлов олдида турибмиз: технологиялар оқимида ўз овозимиз ва услубимизни сақлаб қоламизми ёки бошқалар айтган гапни такрорлаб яшаймизми? Жавобни эса аллақачон ҳар бир ўқувчи топди, деб ўйлаймиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугун инсоний янги цивилизация босқичига — сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳа бўлмасин, қим бўлса, бундан қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлади”. Демак, ютуқ технологияни инкор этганики эмас, балки ундан оқилона фойдаланиб, ўз сўзини, ўз услубини сақлай олганики бўлади.

Санжар ШОМУРОДОВ  
(«Халқ сўзи»).

Хавола қилинган биринчи шеър ўзига хос услуби билан танилган буюк шоиримиз Абдулла Орипов қаламига мансуб, иккинчиси эса сунъий интеллект маҳсули:

## 1-шеър:

Тўхумдан чиқдию келтириб уни,  
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.  
Ташландиқ ушқоқ еб ўтади кунни,  
Хору хас, ҳазонлар устин ёндилар.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча,  
Ва мудроқ толларнинг аччиқ ҳазони.  
Менга алам қилар, тилла балиқча  
Бир қўлмак ҳовуз деб билар дунёни...

## 2-шеър:

Қафасда туғилган бахтсиз ғофил қуш,  
Умрида парвознинг лаззатин билмас.  
Унга шу қафас туюлади хуш,  
Кенг осмон ҳақида ҳаёл ҳам қилмас.

Эркинлик бахтини кўравермагач,  
Елкадаги қанотни ортиқча билар.  
У қутиб яшайди ўзадан қувонч,  
Қафасин бағрида бахтиёр ўлар.

мак, услуб инсоннинг ўзига хос имзоси! Инсон қандай яшаса, нимани кўрса, нимадан изтироб чекса ёки нимадан илҳом олса, буларнинг барчаси охири-оқибат унинг ижодиға кўчади.

## Катта йўқотиш

Бугун қўллаб журналистик матнлар бир хил оҳангда ёзилаётгани сир эмас. Чунки улар бир хил мезон асосида яратилмоқда. “Этиборни торти”, “қисқа ёз”, “аниқ бўл” — булар энди шунчаки тавсия эмас, балки қатъий талабга айланди. Натижада матнлар самарали, тушунарли, лекин бир-биридан деярли фарқ қилмаяпти. Ўқувчи эса бунни сезади, лекин аниқ нимани йўқотганини тушунтириб бера олмайди.

Бу шунчаки тахмин эмас. 2024 йили

лигига боғлиқ. Демак, доимий бир хил услубда ёзиб-ўқилса, тафаккур ҳам ўша қолипга мослашиб, то-райиб боради.

Таҳририят амалиётида биз бунини тез-тез кузатамиз. Кимнинг қаламига мансублигидан қатъи назар, айрим матнларда машина ёзувиға хос изларни пайқаш қийин эмас. Газетамизга келаётган мақолаларда ҳам баъзан бунга ғувоҳ бўламиз. Сунъий интеллект муаллифлик ҳуқуқиға даъво қилмаса-да, тўғридан-тўғри “ChatGPT” ёки шунга ўхшаш чатботларда тайёрланган, гоҳида ҳатто ўқиб ҳам қўрилмаган мақолаларнинг тағига фамилияни қиритиб, таҳририятға жўнатиш қанчалик қонуний экани савол остида қолмоқда. Гап муайян кишиларни айб-лашда ҳам эмас, хавотирли жиҳати

Покистондан Қорақалпоғистонга 200 бош насли қорамол олиб келиш бўйича шартнома имзоланди.

## Халқ сўзи

## Народное слово

## МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳафтадаги маълумотларини қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибчи 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатидан сифатли чоп этилишига

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

## • МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6